

ЯПОНИЯ ВА ЭРОН МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.8093317>

ТУРДИЕВА Ойдин
Ф.ф.д., доцент, ТДШУ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Япония ва Эрон маданий алоқалари тарихи ва бугуни ҳақида бўлиб, унда ўтмишдан ҳозирги кунга қадар бўлган икки мамлакат ўртасидаги тарихий ва маданий муносабатлар ривожи очиб берилади. Шунингдек мақолада Япония музейларида сақланниб келаётган Эрон маданияти ва санъатига оид маданий ёдгорликлар, хусусан, ўзига хос бўлган қўлёзма - “нанбанмоји” тарихига оид маълумотлар ёритиб берилади. Япония-Эрон маданий алоқаларида катта аҳамиятга эга бўлган, умрининг 50 йилдан ортиқ қисмини эроншунослик соҳасига багишлаган эроншунос олима Эмико Окаданинг ўрни ҳақида ҳам сўз боради. Олиманинг соҳа ривожига қўшиган хизматлари, хусусан у амалга оширган Умар Хайём рубоийларининг таржималари, Низомийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Хусрав ва Ширин” достонлари, Фахриддин Гургонийнинг “Вис ва Ромин”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарларининг форсийдан япон тилига таржималари, японча-форсча, форсча-японча лугатлари ҳақида маълумотлар берилади. Шунингдек таникли шоир Суҳроб Сепехрийнинг Японияга қилган сафари ва ушибу сафар ҳақидаги таассуротлари ёритилади. Булардан ташқари Эроннинг Япониядаги элчилари ҳақида ҳам маълумотлар берилади.

Калим сўз ва иборалар: Япония, Эрон, маданий алоқалар, Эмико Окада, форсий қўлёзма, “нанбанмоји”, Суҳроб Сепехрий, Паҳлавийлар сулоласи.

ABSTRACT

This article is about the history and present of cultural relations between Japan and Iran, and it reveals the development of historical and cultural relations between the two countries from the past to the present. Also, the article highlights the cultural monuments of Iranian culture and art preserved in Japanese museums, in particular, information about the history of the unique manuscript - "nanbanmoji". The article also talks about the role of Emiko Okada, an Iranian scholar who has devoted more than 50 years of her life to the field of Iranian studies, which has great importance in Japan-Iranian cultural relations. Information about the scholar's contribution to the development of the field, in particular, the translations of the rubai (poems) of Omar Khayyam, translations of Nizami's epics "Layli and Majnun", "Khusrav and Shirin", Fakhriddin Gurgoni's "Vis and Romin", Firdawsi's "Shahname" from Persian into Japanese, Persian, Japanese-Persian and Persian-Japanese dictionaries made by her is provided. Also, the famous poet Suhrob Sepehri's trip to Japan and his impressions about this trip will be covered. In addition to these, information about Iran's ambassadors in Japan is also provided.

Key words and phrases: Japan, Iran, cultural relations, Emiko Okada, Persian manuscript, "nanbanmoji", Suhrob Sepehri, Pahlavi dynasty.




XIX асрнча бўлган Япония ва Эрон ўртасидаги маданий алоқалар тарихи ҳақида манбаларда кўп маълумотлар сақланмаган. Бироқ, шубҳасиз бу икки мамлакат ўртасидаги алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бунга сабаб қилиб Япония музейларида сақланыётган айrim тарихий форс маданияти ва санъатига оид ёдгорликларини кўрсатиш мумкин.

(Японияда топилган форс тасвирий санъатига тақлидан ишланган ипак мато бўлиб, унда Сосонийлар салтанатида кенг тарқалган чавандознинг ов қилаётган тасвири акс этган)


Юқоридаги фикрнинг исботи сифатида яна бир манба – Японияда сақланадиган форсий қўлёзмани мисол келтириш мумкин. Мазкур форсий қўлёзма милодий 1217 йилга таалуқли бўлиб, Кйосеи исмли японроҳи Гуанжоудаги Зайтун портидан Киотога келтирган. Роҳибга бу қўлёзмани Хитойдаги портда бир неча эронийлар хайрлашиш чоғида эсадалик сифатида тақдим этадилар. Роҳиб Хитойдаги будда роҳибларидан таҳсил олиб Гуанжоудан Японияга қайтаётганида ўзи билан бир қанча буддавийликка оид китобларни олиб қайтади. У китобларнинг орасида форсийда ёзилган бир парча қофоз ҳам бор эди. Ушбу қофоз парчасининг ҳошиясида роҳибнинг шундай ёзувлари бор: “Гуанжоуда уч нафар хорижлик билан мулоқот қилдим ва улардан ўз тилларида бирон насрар ёзиз беришларини сўради. Улар шуни ёзиз бердилар”. Роҳиб бу матнларни буддавий дуо дея тахмин қиласди. 1909 йилга келиб матнлар буддавийлик билан ҳеч кандай алоқаси йўқлиги ва машхур форс шоиrlарининг шеърий байтлари эканлиги маълум бўлади. Ўша пайтда эронийлар Гуанжоудаги зaytun портида кичик шаҳарча қурилиш ишларида фаолият кўрсатар эдилар. Бу қўлёзмага японлар “нанбанможи” (“жанублик бегона одамларнинг ёзуви”) деб атадилар.

Қўлёзмадаги биринчи байт Фахриддин Гургонийнинг “Вис ва Ромин” достонидан олинган байт, иккинчиси эса Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида келган “Рустам ва Афросиёб” достонидан олинган парча, охирги учинчи байт эса “Жавомэ ут-таворих” асидан олинган байтдир. Ҳозирги кунда мазкур форсий қўлёзма Киото префектурасининг муҳим маданий мероси сифатида тан олинади.



(Японияда сақланадиган форсий қўлёзма – нанбанможи)

Қўлёзмадаги учинчи байт эронликлар орасида жуда машхур бўлиб, мақол даражасигача кўтарилиган. Бу байтни айниқса хатарли сафарларга чиқиш олдидан хайрлашиш чоғида айтилади. Чунки бу байт “Шоҳнома” қаҳрамони Иражнинг отаси Фаридун билан хайрлашиш чоғида айтган сўзларидир. Маълум бўладики, бу байтни Гуанжоудаги эронлик ишчилар роҳиб билан хайрлашиш чоғида видолашув шеъри сифатида ёзиз берган экан. Юқоридаги қўлёзманинг насталиқ хати билан қайта ёзилган матнини ҳам ҳақола қиласмиш:



Япония ва Эрон ўртасидаги расмий алоқалар Паҳлавийлар салтанат тепасига келганидан кейин (1925) шаклана бошланган. 1929 йилда бу икки давлат ўртасида дўстлик шартномаси имзоланганидан кейин эса бу алоқалар ҳозирги қунга қадар ҳар тарафлама равнақ топиб келмоқда. 1930 йилда Японияда Эрон элчихонаси очилди ва келиб чиқиши армани бўлган эронлик Xўвҳонисхон Масиҳян Эроннинг Япониядаги биринчи элчиси сифатида фаолият юрита бошлайди. 1932 йилда Япониядаги Эроннинг мухтор элчими Ҳасанали Камол Ҳидоят икки томонлама алоқаларни янада яхшилаш ва мустаҳкамлаш мақсадида талабалар алмашинуви таклифи билан чиқди. 1940 йилнинг февраль ойида “Япония-Эрон адабий анжумани” таъсис этилди. Бу анжуман йиғилишлари йилда бир марта ташкил қилинидиган бўлди ва Япония ва Узоқ Шарқ халқларининг форс адабиёти билан танишувида катта аҳамият касб этди.

Ризошоҳ хукмронлиги (1925-1941) даврининг сўнгги йилларида Эронга Япониядан бир неча талабалар форс тилини ўрганиш учун келадилар. Бироқ уларнинг исм, шарифлари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан улар Эронни тарк этганликлари эҳтимоли катта бўлиши мумкин. 1950 йилларга келиб икки мамлакат ўртасидаги талабалар алмашинуви яна давом этди.

1960 йилда Эроннинг машҳур шоири ва рассоми Суҳроб Сепеҳрий Японияга ташриф буюрди ва ушбу сафар таассуротларини ўз шеърлари ва ранг-тасвирларида акс эттириди. Ҳатто бир муддат кунчиқар юртда истиқомат қилиб у ерда ёғочга ўйиб расм солиш санъатини ўзлаштириди. Япон шеърларини форс тилига таржима қилди.



(Суҳроб Сепехрий япон хонадоши билан. Япония 1960 йил)

Ҳозирги кунда эрон китобхонлари ҳам япон адабиёти билан яқиндан танишиш имкониятига эгадирлар. Ҳусусан Япониянинг машҳур адиби Ҳаруки Муракамининг асарлари эронлик китобхонлар қалбидан жой эгаллаб келмоқда. Унинг деярли барча асарлари форс тилига таржима қилинган. Муракамининг форс тилига таржима қилинган биринчи асари Бўзўргемехр Шарофиддин томонидан амалга оширилган “Уни қаердан топсам бўлади” (“Where I'm Likely to Find It”) график романи ҳисобланади.



(Ҳаруки Муракамининг “Уни қаердан топсам бўлади” романининг Бўзўргемехр Шарофиддин томонидан форсийга қилинган таржима китоби)



(Ҳаруки Муракамининг “Норвегия ўрмони” ва “Соҳилдаги Кафка” романларининг форсий таржималари)

Японияда эроншунослик Европа эроншунослигидан кечроқ бошлаган бўлишига қарамай, кўп натижаларни кўрсатиб келмоқда. Ўзининг салмоқли меҳнатлари ва фаолияти билан япон эроншунослигига катта ҳисса қўшган олима Эмико Окада бўлади. Ҳозирги кунда Япония-Эрон маданий алоқаларида Эмико Окаданинг ўрни бекиёс. TFUS (Токио хорижий тадқиқотлар университети) нинг профессори, эроншунос, исломшунос ва таржимон Эмико Окада 1932 йилда Токиода таваллуд топган. У Техрон университетида форс тили ва адабиёти бўйича докторлик даражасини олган илк япониялик аёлдир. Ҳозирги кунда Окада хоним Эрон-Япония маданият ассоциациясининг раҳбари ҳисобланади. Эмико Окаданинг номи Японияда форс тили ва адабиётининг дарғаларидан бири сифатида тилга олинади. У умрининг 50 йилдан ортиқ қисмини эроншунослик соҳасига бағишилаган, кўплаб шогирдлар етиштирган олималардандир. Окада хоним Япония университетларида форс тили ва адабиётидан дарс бериш билан бир қаторда бир қанча асарларни форс тилидан япон тилига таржималарини ҳам амалга оширган. Хусусан Умар Хайём рубоийларининг таржималари, Низомийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Хусрав ва Ширин” достонлари, Фахриддин Гургонийнинг “Вис ва Ромин”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си шулар жумласидандир. Олима таржима асарлардан ташқари Японияда форс тилинини ўқитиш ва ўргатиш бўйича қатор илмий-педагогик асарлар, шунингдек, икки тилли луғатлар, яъни японча-форсча, форсча-японча китоблар яратган. Унинг япон эроншунослигига қўшган ҳиссаси Эрон давлати томонилан ҳам юксак эътироф этилади.



(Эроншунос олим Эмико Окада хоним ва унинг “World Country Iran and I” китоби)

Хулоса ўринида айтиш мумкинки, Япониянинг Эрон билан ўзаро маданий алоқалари, муносабатлари тарихи қадимий асрларга бориб тақалади. Ҳозирги кунда эса илмий ва маданий соҳаларда ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ўзаро ҳамкорлик йўналишларидан бири кадрлар тайёрлашдир. Ушбу Япония-Эрон муносабатлари дўстона бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар ҳам кенг ривожланмоқмόқда.

